




# ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСІЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 61 (9.405) 2000 йил 24 май, чоршанба

Сотувда эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ – АРАБ ТИЛИДА

Саудия Арабистони подшоҳлигининг «Дар ал-Салом» компаниялари гуруҳи араб тилида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажақ йўлида» номли китобини чоп этди. Ташқи ишлар вазирлигининг қабул-лар уйда мазкур китобнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия ва-колатоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва-киллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим, маданият ва иж-тимой мавзудаги асарларига нафақат мамлакатимиз-да, балки хорижда ҳам қизиқиш кучли. Шу сабабли АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Италия каби мамлакатларда Юртбошимизнинг кўплаб асарлари чоп этилган. Хорижда нашр этилган асарлар қаторига Сау-дия Арабистонида яқинда босмадан чиққан «Ўзбеки-стон буюк келажақ йўлида» китоби ҳам қўшилди.

«Дар ал-Салом» ноширлик борасида араб дунёсида катта оғурага эга. «Ўзбекистон буюк келажақ йўлида» Ислам Каримовнинг илгари чоп этилган китобларидан саралаб олинган. Унда Ўзбекистоннинг бозор иқтисо-диётига ўтишда танлаган ўзига хос йўли, сиёсати, иқти-содиёти, шунингдек, диний ва миллий қадриятлари ҳақида сўз боради.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон—Саудия Ара-бистони ҳукуматлараро савдо-иқтисодий комиссияси ҳамраиси М.Усмонов, Саудия Арабистонининг мамла-катимиздаги Факулдда ва Мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиа ва «Дар ал-Салом» компаниялар гуруҳи-нинг халқаро инвестициялар бўйича раиси Мухаммад Абдулкарим Райхон мазкур китоб икки давлат ўртаси-даги алоқаларнинг янада кенгайтиришга хизмат қилиши-ни таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, китобнинг араб тилида нашр этилиши араб дунёсида Ўзбекистонга, унинг раҳ-барига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан, мамла-катимизни ўрганишга интилиш кучаяётганидан дало-латдир.

(У.А.)

«ЁЗ — 2000»

Болажонларимизнинг энг орзиқиб кутган таътил пайти — ёз ҳам кириб келмоқда. Уч ой мобайнида улар мириқиб хордиқ чиқаришлари, қизиккан ўйинлари билан машғул бўлишлари ва ўз соғлиқ-ларини мустаҳкамлашлари учун оромгоҳларда дам ҳам олишлари мумкин.

## ХУШМАНЗАРА ХУМСОН ЧОРЛАЙДИ

Ўқувчи болаларнинг ёзи таътиллари мароқли ва қизи-қарли ўтиши учун оромгоҳлар тайёрми, уларнинг ҳар то-монлама тўлиқ хордиқ чиқаришлари учун қандай тадбир-лар муъжалланган? Шу мавзулардаги масалалар кунги кеча ўтган семинар-йиғилишда кўриб чиқилди. Унда болалар-нинг ёзи дам олиш кунларини ташкиллаштиришга мута-садди бўлган Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши, тиббиёт, транспорт, савдо ва яна бир қатор ташкилот ва корхоналар раҳбарла-ри иштирок этдилар. Ушбу семинарнинг ўзига хос томон-ларидан бири шу бўлдики, у икки кун давомида республи-камизнинг энг сўлим гўшаларида — Бўстонлиқ туманида жойлашган «Семурғ» соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди.

Табиат қўйнида ўтган йиғилишда қатор ташкилий маса-лалар кўрилди, шу жумладан болаларни оромгоҳларга ўз вақтида ва бехатар етказиш учун транспорт корхоналари-нинг режалари ҳам белгиланди.

— Ўтган мавсумда ушбу тадбирларга ассоциациямиз томонидан 1300 га яқин автобус ажратилганди, бу галги ёзи таътил мобайнида ҳам болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва олиб келиш учун шунча транспорт беришни мақсад қилганмиз, — дейди «Тошшаҳарйўловчиган» Дав-лат уюшмасининг бошқарма бошлиғи Салоҳитдин Асо-митдинов. — Шу кунларда мавсум бошлангунга қадар ас-социация корхоналар билан шартномалар тузишни, вило-ят ДАН бошқармаси ва маҳаллий ижроия органлари бил-лан ҳамкорликда йўлларнинг ҳолатини текшириб уларни таъмирлашни, оромгоҳларда хизмат қилиш учун ажратил-ган автобусларни техник кўриқдан, ҳайдовчилар орасида эса танлов ўтказиш каби чора-тадбирларни бажариш ара-фасида.

Хумсон, Чимён, Оқшош тоғларида жойлашган 33 та со-ғломлаштириш оромгоҳларида ўтган йили 37 минг нафар ўқувчи болалар дам олишганди. Ушбу дам олиш маскан-лари томон йўналишлар бу йили ҳам сақланиб қолади ва бундан ташқари Хумсонда яна битта янги оромгоҳ очил-иши муъжалланган. Анъанага кўра, уларнинг барчасида Ко-рақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кам таъминланган ва кўп болали оилаларининг тўрт мингга яқин фарзандлари ҳам беғул дам олишади. Бундай хайрли ишларга биринчилардан бўлиб «Тошшаҳарйўловчиган» ассоциацияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ўз ҳиссаларини қўшишни ният қилганлар.

Умуман, «ЁЗ—2000»да республикамизнинг барча соғлом-лаштириш оромгоҳларида 40 мингдан ортиқ ёш ўғил ва қизлар дам олишади. Уларнинг Хумсон, Чимён, Оқшош томон саёҳатлари 5 июндан бошланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Матбуот гуруҳи.

## МУРАББІЙ ЮТУҒИ ФАХРЛАНТИРАДИ

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, «Ўқитувчи — 2000» республика тан-ловига пойтахтимизнинг Юнусов туманидаги 70-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Дил-фуза Ганиева ғолиб чиқ-қан эди.

КЕЧА

уни Тошкент шаҳар ҳоким-лигида шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қабул қилди.

Тошкент шаҳар халқ таъ-лими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдо-шев ғолибни таништирар экан олий тоифали ўқитувчи Дилфуза Ганиеванинг тан-ловдаги ғалабаси тасдиқий эмас, балки шаҳарнинг бутун педагогика жамоасининг «Таълим тўғрисида»ги Конун-да, Қадрлар тайёрлаш бўйи-ча миллий дастурда илгари сурилган йўналишларни ҳаёт-га жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг куламадаги ишларнинг ҳақиқий самараси эканлиги-ни таъкидлади. Дилфуза Га-ниева янги дастур андозала-ри асосида ишлаб илгори пе-дагогик технологияларни да-диллик билан синов қўймоқ-да. Ундан таълим олаётган ўқувчилар кўп мутлола қили-шади. Ўзбек адабиётини мам-лакатимизнинг тарихи билан мустаҳкам боғланган ҳолда ўрганишди, республикамиз-да рўй бераётган катта ўза-ришлардан ҳар доим улар ха-бардордир.

Козим Тўлаганов «Ўқитув-чи—2000» республика танло-вининг ғолибини табриклаб



унга қимматли совғаларни топширар экан унга ва шаҳ-римиздаги барча ўқитувчи-ларга усб келаятган авлод-ни тарбиялашда муваффақ-иятлар тилади, давлатимизнинг янада мустаҳкамлини ва юксалиши борасида катта ав-лод вакилларида эстафета-ни қабул қилиб оладиган бо-лаларимизга таълим бериш ва уларни тарбиялашга ўза-рининг салмоқли улушлари-ни қўшиш иштиёқида фидой-илик билан меҳнат қилаёт-ган мураббийларимизга бар-камол авлод тарбиясида кат-та ютуқлар тилади.

Қимматли совғани қабул қилиб олар экан Дилфуза Га-ниева ўқитувчилик касбида-ги энг муҳим нарсаси — бу ав-лод болаларни севиш, унинг касб маҳоратини такомил-лаштиришга интилиш зарур-лигини таъкидлади.

15 йилдирки, Дилфуза Га-ниева мактабда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбеки-стон Миллий университетининг филология факультети-ни тугаллагандан кейин у илм йўлидан кетишни орзу қилиб, аспирантурага кириш ниятида эди. Лекин у бари-бир болаларга билим бериш йўлини танлади.

— Ахир сен фақат мактаб-да ишлаш учун, болалар бил-лан доимо ёнма-ён бўлиш учун тугилгансанку, — деди унга 254-мактабнинг дирек-тори Йўлчи Абдуллаев. — Қа-рагин, болалар сени қанча-лар севишади!

Дилфуза мактаб раҳбари-нинг маслаҳатларига қулоқ солиб, мураббийлик йўлини танлади. Бинобарин эндилик-да халқ таълимида ҳар қаногидан ҳам кўпроқ иход-корлик ва ташаббускорлиқни ривожлантиришга катта аҳамият, фарзандларни ўқитиш ва тарбиялаш учун энг яхши усуллар жорий эти-лаётган пайтда мураббийлик касби билан шугулланишга нима етсин.

(Ўз мухбири).

СУРАТДА: «Ўқитувчи—2000» республика танло-вининг ғолиби Дилфуза Ганиева қимматли совға билан.

Сергей Любич олган сурат.

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳум-ларнинг хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Президент Фармонининг ижроси бўйича махсус комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

## ТҲЙЛАРГА ТҲЙ УЛАНСИН

лекин улар дабдаба ва исрофгарчиликдан йироқ бўлсин

Унда туманларнинг ҳоким ўринбо-сарлари, хотин-қизлар кенгаши ра-ислари, шаҳар ички ишлар бош бо-шқармаси, адлия ва солиқ бошқар-малари, шаҳар прокуратураси, «Ма-ҳалла», «Нуруний», «Наврўз» жам-ғармаларининг шаҳар бўлими, «Маъ-навият ва маърифат» жамоатчилиги шаҳар бўлими вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳоки-мининг ўринбосари Рихситилла Ақромов олиб борди.

Шаҳримиздаги тўй-ҳашамлар, оилавий маросимлар, марҳумлар хо-тираларига бағишланган тадбирлар-ни ўтказишдаги шўхратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва аъёна-ларини менсимаслик, ўзини-ўзи қўз-қўз қилиш, атрофда яшаётган ода-мларнинг ҳол-аҳолини инобатга ол-маслик каби эскидан қолган асорат-ларга борҳам бериш ушбу йиғилиш-нинг асосий мавзуси бўлди. Жумла-дан, ушбу масалага оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Ка-римовнинг 1998 йил 28 октябрда-ги Фармони ижросини таъминлаш

мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими-нинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тан-таналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишлан-ган тадбирлар ўтказилишини тар-тибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Жойларда ушбу масалалар юза-сидан аниқ тадбирлар режаси иш-лаб чиқирилиб, маҳаллаларда тўй ва маросимларни тартибли ўтказиш, замон талабларига хос, халқимиз қарашларига мувофиқ келадиган янги намунавий аъёналар тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиб, барча маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш белгиланган эди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида Фармон ижроси юзасидан қандай натижаларга эришилди ва эндилик-да эътиборимизни нималарга қара-тишимиз керак? Мана шу хусусда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбо-сарлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони эълон қилингандан сўнг тўйлар анча тар-

тибга тушиб қолганини, ортиқча хо-ражатларга чек қўйилганини, аммо афсуски, сўнгги пайтларда яна тўйлар-ни қўз-қўз қилиб ўтказиш, турли ру-сумдаги қимматбаҳо машиналарда йўл ҳарокати қоидаларини бузиб, даб-даба билан ЗАГСга бориш ҳолати-нинг яна учраётганини айтиб, бун-га сабаб, лоқойдлик, бепарволик эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан «Маҳал-ла» жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Аъзам Гадоибеов, «Маънавият ва маърифат» шаҳар марказининг масъул котиби Сидридин Салимов ва бошқалар жойларда қилинган иш-лар тўғрисида тўхталиб, миллий аъ-ёналаримиз, урф-одатларимиз ва қад-риятларимизга таянган ҳолда исроф-гарчиликларга қарши жамоатчилик билан биргаликда иш олиб бориш лозимлиги тўғрисида ўз фикр-муло-хазаларини билдирдилар. Шунингдек улар биринчи навбатда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашла-ри фаоллик билан ишлашлари, ом-мавий-ахборот воситалари билан дора суҳбатлари, «Ишонч телефони»ни йўлга қўйиш борасидаги таклифлар-ни ҳам билдирдилар.

Танишинг: олимпиадачиларимиз

## ЯХШИ ТАЙЁРГАРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



• **РАВИЛ НАЧЕВ** — су-зиш бўйича Ўзбекистон тер-ма жамоасининг аъзоси. 1974 йилда Тошкент шаҳри-да туғилган. Сузиш билан 1982 йилда «Локомотив» спорт жамоатида шугулла-нишни бошлаган. В. Митро-фанов номли еув спорти са-ройида машғулотларни ўтказ-ган. Владимир Феоданов унинг илк мураббийси бўлган эди.

Хозирги кунда устози Виктор Раёвот етакчилигида мусобақаларда иштирок эт-моқда. Қатор нуфузли му-

собақаларнинг ғолиби бўлган. Усмилар ўртасида собиқ иттифок чемпиони, 1996 йили Осиё чемпио-нида эстафетали сузиш бўйича олтин медалларни кўлга киритган. 1999 йили Равил Францияда ўтказил-ган Арена Кубогининг тур-ли хил масофаларида ик-кинчи ва учинчи совринли уринларни эгаллаган. Улар натижасига кўра Сидней олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритган. 2000 йилги Осиё чемпи-натида қатнашиш бройза

нишонларининг соҳиби бўлган. Хозирги кунда Ра-вил ўз ҳаётидаги иккинчи олимпиада ўйинларида қат-нашиш ҳаракатида.

— Ҳамма қатори мен ҳам олимпиадада юқори нати-жаларга эришнишни хоҳлай-ман, бироқ олдиндан «Фол» олимпиадаси мен учун энг ке-раклими яхши таъбирлаб, олимпиадада пайтда зўр спорт формасида бўлиш-дир. Ўзимга, мураббийим-га, омад ва муваффақиятга ишонаман.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ЙИҒИЛИШИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг йиғилиши 2000 йил 25 май кун эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Рес-публикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳ-бат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парла-ментлараро алоқалар, шунингдек, кенг қўламли икки то-монлама муносабатларни янада ривожлантириш билан бо-глик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Наманганда тантанали равишда очилган «Универ-сиада—2000» спорт анжумани қатнашчиларига табрик йўллади.

◆ Олий Мажлисида Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов Германия Бундестаги раиси Вольфганг Тирзе раҳбарлиги-даги делегация аъзолари билан учрашди.

◆ Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисининг иккинчи сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якуновчи йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Кеча Олий Мажлисининг иккинчи сессияси очилиши арафасида парламентда Олий Мажлис қўмиталари, комис-сиялари ва фракцияларининг мажлислари бўлиб ўтди.

◆ Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг бўлиб ўтган йиғилишида республикамиз ижтимоий ҳаётига те-гишли долзарб масалалар кўриб чиқилди.

◆ Бухоро Давлат университетиде араб тилини ўрганиш маркази очилди.

◆ Эртага бутун мамлакатимиздаги, унинг пойтахтидаги мактабларда сўнгги кўнжироқ чалинади.

◆ Самарқандда «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивили-зациясида ривожлантиришдаги ўрни» мавзусида халқа-ро илмий конференция бошланди.

◆ Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2000 тоннага яқин пилла топшириб, бу борадаги шартнома ре-жасини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар.

◆ Эртага ва индинда Тошкентда Кредитлар ва инвес-тицияларни суғурталаш халқаро иттифокнинг («Берн Ит-тифоки») Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экс-порт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши ўткази-лади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси акаде-мик Яхё Фуломов номли Археология институтининг тарих фанлари доктори Мухаммадхон Исомиддинов ва Франция Илмий марказининг ходими Клод Рапен бошчилигидаги ўзбек-француз қўша экспедиция қатнашчилари Самар-қанд вилоятининг Челек туманидаги Кўктепа (Оқунбобоев номли жамоа ҳўжалиги ҳудудида) ёдгорлигида ноёб архе-ологик топилмани кўлга киритдилар. Ёдгорликнинг энг баланд қисми марказида 25-30 ёшли асрдада маликанинг қабри топилди.

## ЖАҲОНДА

◆ Кеча Минскда Божхона иттифоқига аъзо бўлган мам-лакатлар — Россия, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида молиявий, савдо ва виза масалалари муҳокама этилди. Бугун шу ернинг ўзиде МДҲ коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади. Унда юқорида санаб ўтилган мамлакатларнинг раҳбарлари билан бир қаторда Арманистон Президенти Р. Кочарян ҳам иштирок этади.

◆ Исроил Бош вазири Ёхуд Барак Швецияда фаластин-ликлар билан музокаралар ўтказаятган Исроил делегаци-ясини чақириб олди.

◆ Кеча Исроил 22 йиллик ишғолдан сўнг Жанубий Ливан ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқишни бошла-ди.

◆ АҚШ ҳукумати мамлакатдаги барча авиакомпаниялар-дан «Боинг—767» русумли самолётларни диққат билан тек-ширувдан ўтказишни сўради. Бунга охириги вақтларда шу русумдаги самолётларда носозликлар учраётгани сабаб бўлди.

◆ Бугун Флоридада НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви очилди.

◆ Фаннинг амалиётда қўлланилиши, илмий тадқиқот-лар самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор му-ҳим ишлар учун Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти ва Бухоро Давлат университети Франция саноатни ривож-лантириш уюшмасининг халқаро муқофоти — олтин меда-ли билан тақдирланди.

◆ Бугун Фиджа ҳокимиятининг норасмий органи бўлган оқсоқоллар кенгаши бундан бир неча кун муқаддам дав-лат тўнтаришига уриниб қўрилган Фиджада бошқарув қан-дай бўлиши кераклигини ҳал этишни лозим. Давлат тўн-таришига уринганлар ҳанузга қадар ўз қўлларида қатта гу-руҳдаги гаровга олинганларни, шу жумладан бош вазирни ушлаб туртишди.

◆ Индонезиянинг Ачех вилоятида куруллой тўқнашув натижасида ҳукумат қўшинлари томонидан саккизга яқин айирмачи ўлдирилди ва бир қанча курул-аслаҳа қўлга ки-ритилди. Ушбу тўқнашув Швейцарияда Индонезия ҳуку-мати билан «Ачех озодлиги» айирмачи гуруҳи ўртасида имзоланган тинчлик битимига қарши йўналтирилган ҳара-кат сифатида изоҳланмоқда.

◆ Эфиопия ҳукуматининг тасдиқлашича, Эфиопия ҳаво кучларининг мунтазам тарздаги бомбардирмонлари нати-жасида Эритрея қўшинлари мамлакат гарби, Судан чеге-ралари яқинидаги ҳарбий тайёргарлик бош марказини таш-лаб қиқиб кетишга мажбур бўлган.

◆ Колумбияда рўй берган қучли ёлғингарчиликлар ва қучкилар оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда ҳамида 11 киши ҳалок бўлган, ўларча минглаб қучкилар бошпанасиз қолган.

◆ Филиппин ҳукумати бир неча ҳафтадан буён гаровга олинган 20 га яқин кишини, шу жумладан хорижий сайёҳ-ларни ушлаб турган «Абу-Сайяф» террорчи ташкилот бил-лан музокараларнинг навбатдаги босқичини бошлади. Тер-рорчилар биринчи бор ўз шартларини — Филиппиннинг жанубида мустақил ислом давлатини ташкил этишни илға-ри сурди.



Тадбиркорлик

## ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Қадимдан юртимизда шогирд бирийла ўз устозидан ҳунар ўргана туриб, уни амалда мустақил кўрсата бера олган. Шахримизнинг Бектемир туманида фаолият юритаётган «Дурдона — ҳолис» хусусий фирмасида бўлганимизда ҳам ана шундай уста-шогирд аъёнлари давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Инсон ўз билганини эмас, шу билан бирга ўрганганини ҳаётга тадбиқ этиб, уни янада мукамалроқ эгаллашга интилса мақсадга мувофиқ бўлади, — дейди «Дурдона» — ҳолис» хусусий фирмаси раҳбари Матлуба Нормуратова суҳбатимиз интихосида. — Бу касб менга момомерос. Қадимда ҳар бир оилода, айниқса киз болалар балоғат ёшига етмасиданоқ бувиси ёки онаси ҳунар ўргатганлар. Негадир кейинчалик ушбу ҳунарларга оҳили ўртосида эҳтиёж йўқлигини, аста-секин камая борган. Лекин «Ҳунарлининг қўли гул» деган моқол бежизга айтимайди.

— Сиз уста-шогирд дастури бўйича фаолият юрита бошлабсиз. Бунга қандай омиллар сабаб бўлди?

— Миллий ҳунармандчилик асосида фаолият юритишни анчадан буюн режалаштириб юрган эдим. Аммо айрим соҳабларга кўра ишни бошлашга имконият бўлмади. Имконият туғилган ҳунар эгаллашга иштиёқи бўлган ёш кизларни жалб этишга қарор қилдим. Шунингдек, ногирон хотин-қизларнинг эса ҳар қандай ишни ҳам бажаришга лаёқати йўқ. Биз ана шундай хотин-қизларимизга ҳунар ўргатиш мақсадида бу ишларни бошлаганимиз.

Шогирдларимиз касбини мукамал эгаллаган бўлсада, ишсиз қолишга мажбурлар. Чунки бундай ишлаб чиқариш корхоналари шахримизда жуда камчилиги ташкил этади. Шуларни инобатга олиб, фирмамизнинг фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, бизда ўқиб битирган шогирдларимизни иш билан таъминлаш чораларини кўримоқдамиз. Хусусан, бу борада иқтисодий ёрдам кераклиги тўғрисида маълумот бердик.

— Инсон ўз билганини олишга тўғри келади. Лекин бу кредитни жуда қийинчилик билан, яъни 7 ой деганда олдим.

— Бунга қаршиликлар бўлмади?

— Олоётган 14 фоизли имтиёзли кредит, ана шундай югур-югурлар, сансалорлик ва ҳужжатларни қайта-қайта тайёрлашлар ҳисобига имтиёзсиз кредитга айланди-қолди. Хом ошё йўқлигини ишларимиз бутунлай тўхтати. Асосан кўпроқ тумон миллий банкида ушланиб қолинди. Энишки, кичик кредитлар учун ҳали оник кўрсатмалар йўқ. Ана шунақа отанга бор, онанга бор, деганларидек охири бир амалладик. Туман тадбиркорлар палатаси бу борада бизга ёрдам берди.

— Шогирдларингиз келажакда қандай ҳунарларни эгаллайди?

— Улар миллий ҳунармандчилик асосида уста-шогирд услуби билан зардўзлик, каштачилик ва гилла тўқувчилик сирларини тўлиқ ўрганадилар. Айни пайтда 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган 50 дан зиёд хотин-қизлар ушбу касблар бўйича ўқиб ўрганоқдалар. Уларнинг 60 фоизи ногирон хотин-қизлар. Шу сабабли ҳам илоҳи бори-ча кўнгилларини оғритмай, уларга ёрдам беришга интиламиз. Болоник аёлларнинг шароитини эътиборга олган ҳолда ишни уларнинг хонадонларида ташкил этганмиз. Бу ҳам ишларимизнинг ўзига хос жиҳатларидан.

Бизнинг вазифамиз уларнинг бажарган ишларига қароб тўғри ҳақ тўлаш ҳамда шароит яратиб беришдир. Кейинги режаларимиз маҳсулотларимизнинг янги-янги турларини яратиб, уни хорижга экспорт қилиш, миллий ҳунармандчилик санъати равоқасига муносиб улуш қўшишдир.

Суҳбатдош  
Очил ҲАЗРАТОВ.



Қўшиқ — кўнгилга чирок ёқувчи, эзуқлар сари етакловчи, қўшдек барчага баробар баҳра берувчи энг ноёб санъат дурдонасидир. Яхши кўшиқ барча миллатларнинг юрак торларини чертади, ҳаяжонга солади. Айниқса бундай кўшиқ она-Ватан, қадрдон юрт ҳақида бўлса...

Бойи турар қошнанг сенинг, Мангу ёруғ пейонанг сенинг, Мангу тилда масканим — маним, Ўзбекистон — Ватаним маним!

Ҳа, аввал хабар берганимиздек, кунча шахримизнинг муштам «Тошкент» саройида жажжи болажонлар, санъатсевар ёшларнинг она-Ватан, Ўзбекистон ҳақидаги жозибали кўшиқлари ангради. Бу ерда «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон, Она-Ватан ғоясини мадҳ этувчи, миллий истиқлол мафқурасини, муқаддас қадриятларимизни ёшлар онига сингдириш, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантирувчи янги замонавий кўшиқчилик санъатини ривожлантириш мақсадида ҳар йили «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Танловда илк бор санъат оламига қадам қўяётган янги овозлар, ёш истеъодлар аниқланмоқда. Ушбу танловда ҳам ёшлар она-Ватанимизнинг порлоқ истиқболи, бебаҳо тинчлигимиз, фаровон турмушимизнинг мадҳ этувчи кўшиқлар ижро этиб, муносиб баҳо олдилар. Кўрик-танловда шаҳар туманларидан голиб деб топилган ҳаваскорлик жамоалари, мусиқа мактаблари ва лицей ўқувчилари ва ўқитувчилар, яхшаки ижрочилар катнашдилар.

Ёш санъат шайдоларининг маҳоратларини баҳолашда ҳакамлар ҳайъати раиси Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари ансамблининг бадий раҳбари, бош дирижёр Форух Содиқов, «Баҳор» давлат рақс ансамблининг мусиқа раҳбари, Ўзбе-

кистон халқ артисти Бахтиёр Алиев, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Тохир Зоитов, Ўзбекистон халқ шоири Пулат Мўмин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоевлардан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари якуний босқичга тавсия этилган кўшиқларни ҳолис баҳоладилар.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров сўзга чиқиб, ёш санъат даргоҳига ўз қобилияти, ширин овози билан кириб келаётган истеъодли ёшларга омадлар тилади.

Ҳа, шу азиз Ватан барчамизники, уни ҳар

ажаб эмас. Санъатга ошно дил ҳеч қачон ёмон ният қилмайди. Нияти пок, юраги тоза инсонлар бўлиб етишади. Келгусида мана шундай танловлар кўпроқ ўтказиб турилса, оммабоп халқ севадиган, юракларга етиб борадиган кўшиқлар яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

• Носир ОТАБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

— Бу танлов ўтган йилга нисбатан ҳар жиҳатдан савияси кўтарилган. Бунинг сабаби кўшиқ танлашнинг моҳиятини яхши тушуниб, шунга мос яхши мусиқа топиб, халқнинг қалбига етиб борадиган кўшиқлар ижро этилган.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

## ТУЛАЛАРДА — ЮРТ МАВҲУ

қанча таърифласак, ҳар қанча эъзозласак оз. Ёшларнинг Ватанга, она дийёримизга бўлган муҳаббатлари уларнинг юракдан яхши кўйлаган кўшиқлари, рақсларида аққол сезилиб турди. Бунга залга йиғилган томошабинлару ҳурматли ҳайъат аъзолари ҳам мамнуният билан тасдиқлашди.

• Бахтиёр АЛИЕВ, «Баҳор» давлат рақс ансамблининг мусиқа раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти:

— Бу йилги танлов ҳар йилгиларидан бирмунча фарқ қилади. Ўсиш-ўрғаниш кучли. Бир-биридан гўзал янги овозлар, янги шеърлар пайдо бўлган. Уларни кўриб биз — ҳайъат аъзолари ҳам жуда мамнун бўлдик. Президентишамиз ҳам бежиз ёшларимизга кўпроқ эътибор қаратмаётганлар. Ёшлар — бизнинг келажакимиз. Йиллар ўтиб бу қобилиятли болажонларимиздан буюк санъаткорлар чиқса

нидир. Ҳар бир ижрочи кўшиқни шунчаки айтиб қолмай, оранжировкаларини жонли қилиб, қандайдир театрлаштириб, рақслар билан намойиш қилинган, айниқса диққатга сазовордир. Ёшлар кўпроқ замонавий эстрада жанрида кўшиқ айтсаларди, лекин миллийлик ҳам кўпроқ аҳамият берилганини эътироф этиш мумкин. Айниқса, мусиқа мактабларининг жажжи болажонлари ижро этган кўшиқлар, болалар хори жамоаларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Лекин айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланди, бунга айтимай илоҳи йўқ. Баъзи танлов қатнашчилари лоқайдлик билан, шовишма-шошарлик билан тайёрлангани ёки яхши бир шеърга мусиқа мос тўқилмагани, ижро масаласида, айниқса, кийимларини яхши танланмаганини ачинарли ҳол албатта. Бундан кейинги танловларда бундай нуқсонларга ҳам албатта барҳам берилса, кўнгилдаги иш бўларди.



Меҳнат жамоасининг муваффақиятлари кўп жиҳатдан унда ижодий изланишлар кенг рағбатлантирилганидан муҳитини юзига келтиришга боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг турли жараёнларини тақомиллаштириш, ишлаётган ускуна ва жиҳозлар умрини узайтириш, уларнинг баъзи жиҳатларини мукамаллаштиришда амалларни жорий этиш, ҳодимлар ишнинг ташкил этилиши ахшиллашга қаратилган чора-тадбирлар ва шу каби бошқа изланишлар кўпчилиги иштирокида юзга келадиган бўлса ижодкорлик руҳи мавжуд дейиш мумкин. Лекин бу ўз-ўзидан, табиий равишда шаклланидиган жараён эмас. Бунинг учун раҳбар (иш бошқарувчи менежер) бир мақсадга йўналтирилган — ижодкорликнинг турли қирраларини рағбатлантирадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш чора-тадбирларини кўриб бериши керак.

Масалан, жамоада ким қандай ишлаётгани, қандай ижодий изланишлар ишлаб чиқариш ва ишни ташкил этишни тақомиллаштиришга жорий этилгани, ижодкорликда ким, қандай ютуқларга эришяётгани, улар қандай тақдирланганлиги ҳақида меҳнат жамоасини кенг хабардор қилиб бориш, яъни таъсирчан ошқораликни таъминлашнинг аҳамиятини исботлаб ўтиришнинг ҳожасти йўқ. Раҳбарнинг энг муҳим вазифаларидан бири — жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ҳодимнинг ижодий интилишларини дарҳол пайқаб, уни ўз интилишларида олға боришга даъват қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнати самарасига ва унинг қўлига қараб зарур ҳолларда мансуб маъна, маошлари ва умумий нуфузини ошира билишда.

Баъзи раҳбарлар ҳодимларнинг ўзаро мулоқотларини имкон қадар қўллашга ҳаракат қилишади. Тадқиқотчилар фикрича — бу нотўғри. Зеро, ана шундай мулоқотлар чоғида ишлаб чиқаришдаги нозилиқлар тилга олинб, илгорлар таърибига асосида уларни бартараф этиш йўллари топилиши, меҳнат унвонини ошириш, бирор ускунадаги технологик номукамалликларни йўқотиш бўйича тақлифлар ўртага ташланиши, янги бир иxtиро юзга келиши мумкин. Турли иғво, фикс-фужурли гаплар эса — агар жамоада соғлом муҳит бўлмаса ҳар жойда ва ҳар қандай ша-

роитда авж олавериши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда аллақачонлар шаклланган бир тахрибани ҳам эслатиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Меҳнат жамоаларида раҳбар ҳар қандай ижодий ташаббус, ғоя ёки тақлифни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиради. Масалан, ҳодимнинг тақлифи ишлаб чиқаришга ёки ишни тақомиллаштириш жараёнидаги жорий этилмаслиги мумкин, лекин унинг яхши мақсади, интилиши ҳам рағбатлантирилади. Бундай одатнинг ҳаёт тарзига айланиши, албатта, жамоада ав-

димларга ўз ишларига муносабатни билан олиш имконини берувчи қайта алоқалар таъминлаб бориш.

7. Ҳар бир ҳодимнинг барча ижодий ютуқларини ўз вақтида баҳолаб, рағбатлантириб бориш.

8. Бевосита раҳбар қўл остида ишловчиларни фикр-мақсадларини аниқ ифодалаш ҳамда зарур қарорларни ишлаб чиқишга жалб этиш.

9. Ўз ҳуқуқлари ва ваколатларининг бир қисmini қўл остидагиларга ишониб топшириш.

Раҳбарлик фазилатлари: уларни қандай шакллантириш керак?

## ИЖОДКОРЛИК РУҲИНИ РИВОЖЛАНТИРИНГ

вало соғлом муҳитнинг шаклланишига хизмат қилса, иккинчидан ижодкорлик гайрат-ташаббусига кенг йўл очиб қўйиш.

11. Ҳодимларнинг малакаларини ошириб бориш учун уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни доимий йўлга қўйиш.

12. Ҳодимларнинг ўз куч-имкониятларини намойиш этишлари учун имкониятлар яратиб бериш.

13. Ҳодимларга, улардан бутун куч-билимларини ишга солишни талаб қилдирган, мураккаб ва масъулиятли ишларни топшириб бориш.

14. Ҳодимларнинг ишдаги ижодий изланишлари самарадорлигини оширишда раҳбарнинг қандай ҳаракатлари энг муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайсиз? Нима учун?

15. Ҳодимлар ижодий фаоллигини ҳамда ишлаб чиқариш унвондорлигини оширишга эришиш учун раҳбар (менежер) яна қандай чора-тадбирларни қўйиш мумкин деб ҳисоблайсиз.

16. Ҳодимларнинг тақлифлари ва саволларини устида чуқур мулоҳаза юритиб, ўз

иш масаласи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди, дейиш мумкин. Улар ҳақида ақалки шарҳимизда анчагина мисоллар келтиргандик. Умумий ҳулоса шуки, вақтдан умумий фойдалана билиш кўпчилик раҳбарларини қийнаб келаятган долзарб муаммолардан бири экан. Демак, бу соҳада улар учун амалий семинар-кеңашлар уюштириш, тадбиркор раҳбар-менежерлар тажрибаларини кенг ёйиш муҳим аҳамиятга эга.

Бир гуруҳ хатларинида 9-вазифада тақлиф қилинган «Хотира яшиги» билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар баён этилган. «Мен шундай яшайдан фойдаланишга аҳд қилдим, — деб ёзади Зангиота туманидан тадбиркор Ҳ. Алимуллаев. — Бу, айниқса, тажрибаси етарли бўлмаган биз каби бошловчи тадбиркорларга қўл келади — ишни тартибли олиб боришга ўргатади».

«Кечирасиз-у, раҳбарликини бола-лар богчасиди «раҳбар — ҳодим» ўйинига ўхшатиб юбормаёямизми?! — дея хитоб қилади пойтахтнинг Ҳамза тумани хусусий корхоналардан бири раҳбари С. Абдуллаев. — Тонарлар баҳорси, қонунларнинг моддаларини ёдда

туттиш учун «Хотира яшиги»нинг кераги йўқ. Улар раҳбарнинг ҳудудлик ҳаётига шу қадар сингиб кетдики, ўзини истоган тақдирда ҳам уларни унутолмайсан. Менимча, бунинг учун раҳбар зарур даражада билимга эга бўлиши, бунинг устига ўз билиминини тинмай ошириб бориши — яъни тинмай ўқиб-изланиши керак. Баъзи бир муҳим ҳужжатлар доимо унинг қўли остида бўлиши керак...».

«Раҳбарнинг шахсий обрўси, ҳодимлар олдиданги нуфузи албатта катта аҳамиятга эга. Бунга эришиш ҳам осон эмас. Шу жиҳатдан «Ўзингиз иссиқ, сўзингиз ёқилиб бўлсин» деган сарлавҳа остида берилган тақлифлар менга ёқди, — ўқиймиз чилчорлик тадбиркор Р. Мустафоев хатидан.

Одамларнинг қалбига йўл топиш, уларнинг ишончини қозониш корхона ишонини муваффақиятини 90 фоизга таъминлайди, десак, муболага бўлмайди. Албатта, ҳодимлар билан самимий мулоқотда бўлиш яхши. Лекин бунда маълум чегара ҳам бўлиши керак. Баъзан раҳбар қўл остидагилар билан апок-чапоқ бўлган деб талабчанликни бериб қўйган ҳолларини кўрганим. Унда бошқалар учун кўпроқ ўша раҳбарнинг ишлашга тўғри келади...».

— Менинг эътиборимни ҳодимлар ҳақидаги танқидий мулоҳазаларини баён этиш бўйича тақлиф ўзига тортиди, — дея хитоб қилади ана бир тадбиркор К. Суннатиллаев Ангрен шаҳридан. — Мен ҳодимлар қамчилигини дўстона айтишга уриниб кўрдим — лекин натижа чиқмагандай бўлди. Шунинг учун кўпинча улар билан баланд товушда — дўк-пўпса билан гаплашайотганимни пайқаб қолам. Албатта, нима бўлганда ҳам бу усул турли эмаслигини тушунаман. Чўки биров билан каттик оҳанда гаплашадиган кейин ўзим ҳам анча вақтгача қийналиб юраман...».

Шундай хилма-хил фикр-мулоҳазалар, тақлифлар баён этилган мақбۇлар талабгина. Уларнинг асл моҳияти бир мақсадга — яъни раҳбарлигини таъсирчан усулларини шакллантиришга қаратилган. Демак, кўтарган мавзунимиз мўйин қизиқиш уйғотгани шубҳасиз ва яна мавзунини давом эттирмай. Хатларингизни ҳам қутамиз.

ТАХРИРИЯТ.

## Саноат СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда иқтисодиёт ривожига ўзининг муносиб улушини қўшаётган тадбиркорлар орасида 5 йилдан буюн фаолият кўрсатаётган Шайхонтохур туманидаги «Мафтус» фирмаси ишбилармонлари ҳам бор.

«Мафтус» хусусий фирмасида шахримизда бунёд этилаётган турар-жой бинолари учун керакли бўлган қурилиш материаллари — девор гулгозалари ишлаб чиқаришда 10 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада айни кунларда 15 хилдаги девор гулгозалари ишлатилган гулгозаларнинг сифатли турларни тайёрламоқда.

— Замонавий технологияга эга бўлмай туриб қаридор талабига тўла жавоб берадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш анча мушкуллигини ҳар бир тадбиркор яхши билади, — дейди фирма раҳбари Суҳроб Йўлдошев. — Биз ҳам ўз маҳсулотларимизни юксак умумий Германия технологияси асосида ишлаб чиқарамиз. Шу бонис ҳам қаридорларимиз етарли. Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз қурилиш ташкилотларига ҳам шартнома асосида девор гулгозаларини тайёрлаб бермоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча ишчи уринлари яратиш ниятимиз бор. Энг асосийси, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, республикамизга четдан келтирилган ана шундай маҳсулотлар ҳажмини камайтиришдир.

Дилноза ҒИЁСОВА.







— Пир бадавлатларимиз

# МЕХРИБОН ЙЎҒРИЛГАН УМР

Она дейдилар — ернинг кўёши.  
Башариёт ақлу хиссининг боши.  
Хақиқатан ҳам сизу биз билган кўш — коинот кўёши бўлса, она — инсоният кўёшидир. Биз шу кўш нурини эмиб унамиз, шу нур туғайли камолга етамиз. Она бор — Ватан бор! Она бор — халқ бор — авлод бор. Она бор — келажак бор, бахт бор, ойдин кун бор. Дунёдаги энг яхши сифат, энг яхши фазилат — онадан. Шундай меҳри дарё, жафокаш, оққунгил оналаримиз ҳаммиса элимиз ардоғида, фарзандлари эъзозидан умр кечирмоқдалар.



Ана шундай ибратли хонадон соҳибаси, меҳрибон она, ширинсухан қайнона Фаридахон ая Сиродинованинг бебаҳо фазилатлари, одамийликлари ҳақида уларнинг яқин қариндошлари, хурмат-эътиборли бир инсондан эшитиб қолдим бу бағри кенг онахон ҳамда у кишининг хавас қилса арзийдиган келинлари билан таниш-таъриф қилдим.

Айниқса Фаридахон аянинг кўпчиликлари ақлий ҳиссининг фазилатлари — меҳрибон қайнона эканликлари эшитиб, уларнинг хонадонларига боришга, дилдан сўбатлашмоқчи бўлишим.

Фаридахон аянинг фазилли хонадонларига бордим у замонларимизга ҳовлига қадам босиб киришим биланқон ишонч ҳосил қилдим. Тоza ва озода шинамгана серфайз ховли саҳнада оппоқ гулга бурканган даҳхатлар, қил-қизил алвондек очилиб ётган лоплар, кўм-кўк ва баланд бўлиб ўсган ўсмаю кўкатлар бу хонадон фазилатига яна ҳам фазил қўшиб, оила аъзоларининг нақадар саранжом-сарилтали эканликлари шундоққина айтиб турибди. Буни қарангки, биз борган кўнимиз онахоннинг ўғил-қизлари, келинлари, набиралари йилгилган экан. Ховлида аянинг фарзандлари, келинларининг қувноқ ҳаққалари, шодон қулгилари янграб турарди.

Бизни кўриб чехраларида бағтирлик, шоду хуррамлик акс этган келинлар бирин-бирини ҳушумолали билан қарши олдилар. Хонадоннинг азияту муқаррам онахон Фаридахон аяни кўрганимизда эса мулоқим, майин табассуми билан изларидан бекиёс меҳр, бир ёғилиб турган фаршхалли онахон эканликлари амин бўлдим. Айниқса мени илк бир самимийлик билан қучиб олиб баргиларга босганларидан гўё ўз онамининг сиймоларини кўргандек, қайноқ меҳрларини туйғандек бўлдим. Чунки аянинг беозор чехраларидаги меҳр, самимийлиги кўриб онахонимни кўргандек бўлдим. Фаридахон ая бир қиз, тўрт ўғил, тўрт келин, 20 та набираси 13 та эварлар ардоғида иззату эъзозда умр кечираётган пир бадавлат онахонлардан эканлар. Хақиқатан, оила аъзоларининг ўғил-қизлари, келинларининг ўзаро бир-бирларига нақадар ҳурмат билан муносабатда бўлиб, аҳил ва тотув эканликлари, айниқса оналарининг атрофида парвона бўлаётганларини кўриб ҳар қандай одам уларнинг оиласига ҳавас билан қарайди, тасаннолар атайди. Шунингдек, келинларнинг қайноналари билан муносабатларини кўрган киши бу қизлари бўлса керак деб ўйлаши мумкин.

2000 йил Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб номланган, фарзандларимизга бўлган эътибор яна ҳам қўйилди. Айниқса, Ўртабонимиз соғлом авлоднинг тарбиялашда, вояга етказишда қайноналарнинг ҳам ҳиссалари катта

эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бизнинг ҳам Фаридахон ая билан бўлган муносабатимиз шунинг учун асосан қайнона-келиндар муносабатлари тўғрисида бўлди. Онахондан аввало келинлик даврларини сўраганимизда, улар хотираларини бирма-бир хикоя қилдилар:

— Эҳе, келинлик даврларимни асти сўраманг, — дея чўқур ҳўрсиндилар ая. — Келинлик даврларим машўм уруш йилларига тўғри келган. Тошкент тиббиёт институтига ўқиб юрган вақтларим уруш бошланиб, ўқишни тугатолмай қолганман. Бу кунлар ҳеч ёдимдан чиқмайди. Турмуш ўртоғим Абдувоҳид Раҳмонов 1943 йилнинг кеч қузида урушдан қисқа муддатли дам олишга ўйга келганларидан иккимизнинг тўғимиз бўлиб ўтган. Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас у киши яна фронтга ўйнаб кетдилар. Мен нима қилишни билмай у кишига эргашиб: «Мен ҳам фронтга сиз билан бирга кетаман, тақдирим нима бўлса ҳам сиз билан бўлсин» деб туриб олганман. Катталарнинг маслаҳати билан кейинроқ орқаларидан юборадиган бўлишди.

Хақиқатан ҳам озгина фурсатдан сўнг мени қайноғам бир неча кун йўл юриб, не машаққатлар билан Ворошиловград воялотиининг Алчевский шаҳрига Абдувоҳид аянинг олдларига қолдириб келганлар. Турмуш ўртоғим врач эдилар, мен у кишига касалхонада ёрдам бериб юрдим. Сўнг 1945 йил Абдувоҳид ая ўз бўлиналари билан Берлинга ўйиб олишди. Мен Тошкентга қайтиб келдим. Нихоят уруш тугаб Абдувоҳид ая эсон-омон қайтиб келдилар. Ўша кун йўлимизда тўй устига тўй бўлиб кетган. Биринчи фарзандим Саидхон дунёга келган.

— Мана шундай аjoyиб ўтган келинлик даврларим, қизим, — дея мулоқим жимлайдилар Фаридахон ая. — Турмуш ўртоғим билан жуда аҳил-тотув яшаганмиз. Бир қиз, тўрт ўғиллик бўлди. Фарзандларимизнинг тарбиясига отаси ҳам, мен ҳам жуда катта эътибор бериб, ҳаммаларини ўқитдик. Оллоҳга шўқур, фарзандларимиз одилоли, меҳнатсевар, зийли инсонлар бўлиб етишилди. Афсус, оталарининг умри қисқа экан (Оллоҳ раҳмат қилсин) бу кунларни қўрмадилар. Фарзандларим, келинларим менга жуда-жуда меҳрибон. Айниқса, келинларим ўз қизимдек бўлиб кетишган. Кўпчилик қизикчи: «Чеч қайнона-келиндарга ўхшамасизлар, қандоқ аҳилсизлар» дейишди ҳавас билан.

— Оиланинг тинчлиги, қайнона-келиндарнинг тотувлиги кўпроқ нимага боғлиқ, деб ўйлайсиз? — сўраймиз Фаридахон аядан.

— Оиланинг тинчлиги-аҳиллиги кўпроқ қайноналарга боғлиқ. Жанжаллар қўпчиқа қайноналарнинг беаърийдиган деб ўйлайман. Қайнона ҳам она, оиланинг қаттаси. Шунинг учун қайнона бўлган оғир-босиқлик билан барча муаммоларни ҳал қилиши, бегона хонадонга келган ёш келинчакини ҳадеб тергайвермай, кам-ситмай, хато ва камчиликларини

тўғри, босиқлик билан яхши гапириб тушутириши керак. Ҳадеб қойиб, иш буюриб, хатосини топиб ўтирмай, болам-бўтам дея яхши гапириб, йўлга солинса, албатта келин ҳам билмагани қайнонадан ўрганиб, унга меҳр товланиб, ўз онасидек яқин бўлиб кетади. Мана мен ҳам тўрт келин олдим. Келинларимни 2-3-курсларда ўқиб юрган вақтларидан олганмиз. Уларнинг ўқилари қилиб кетмасин, деб ўзим болаларини боқиб, катта қилдим. Ўғилларимга бирон марта хотининг ўндай, хотининг бундай деб ёмонламаганман. Ёмонини яшириб, яхшисини ошириб келдим. Шунинг учун бўлса керак уйимизда жанжал йўқ, ортиқа гап-сўз ҳам. Ҳаммалари бир-бирлари билан инюк. Яхши қийим кийман демадим, яхши уй-жой қилман, қўймабдехо тақинчоқлар тақаман демадим. Мана шу фарзандларим, келинларим, набираларим меннинг бебаҳо дуру гавҳарларим. Бундан ортиқ бойлик, бундан ортиқ бахт борми.

Бировларнинг бойлигига, шохона уй-жойига, ё мансабига ҳеч ҳавас қилмаганман. Фақат яхши одамларнинг ақли-одобли, ўқимлиши фарзандларига ҳавас қилганман. Оллоҳга шўқур, фарзандларим худди шундай ҳавас қилса арзийдиган ҳалол, меҳнатсевар, эл-ўрт қизматига қамарбаста инсонлар бўлишди. Уларга ҳам қайта-қайта: фақат яхшиларга ҳавас қилинганлар, деб айтман.

Ха, ҳақиқатан онахоннинг фарзандларига ҳаммамизни ҳаваси келди. Қизлари Саидхон — врач, тўрт ўғиллари: Абдуғафур — тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳ, Абдулҳай — самолётсоз, Абдулҳай — қурувчи-муҳандис, Абдурахим — тадбиркор. Келинлари ҳам ҳаммалари олий маълумотли.

— Соғлом авлоднинг камол топишда, тарбиясида қайноналарнинг ҳам ҳиссалари катта экан, сиз бунга нима дейсиз? — сўрайман яна Фаридахон аядан.

— Ха, албатта бор, бўлмасамчи. Оила тинч бўлса, қайнона-келиндар муносабати яхши бўлса, албатта соғлом муҳитда — соғлом авлод вояга етади. Келин албатта ёш, тақрибаси қайнона, қайнона набирасининг тарбиясига, вояга етказишда ўз ҳиссасини қўйиши керак, шу жумладан келинча ҳам ўз фарзандидек қараб, ейиш-ичиши, албатта беш қоронғулик даврларидан урин аҳволини тушуниб, ёрдам берса, албатта бу оилада соғлом фарзанд дунёга келди.

— Халқимизда азалдан «Қайнона келин қарқара келин, қайнона келин масхара келин» деган ибора бор. Шу гапнинг маъносини ҳам тушутириб берсангиз.

— Айрим қайнона келинлар бирон жойга борганда билиб-билмай қийинлашди, ўзбекона урф-одатларимизни унутиб қўйишди, билар-билмас гапларни кўпчилик ичда маҳмадонлик қилиб гапириб, ўз обрўларини тўкиб қўйдилар, масхара бўладилар. Рўзгор туттиларидан ҳам қўп нуқсонлар қўзга ташла-

нади. Қайнонали келинлар эса аксинча бўлишди.

Фаридахон аянинг сўхбатларини тинглаб ўтирган тўрт келинлари қайноналарининг гапларини тасдиқлаб, ўзларининг келинлик даврларини эслаб, аянинг фазилатлари тўғрисида фахр ва ифтихор билан эслашди. Тўғича келинлари Мавлудахон қайноналарига меҳр билан термулиб сўз бошлади:

— Ойжонимизни биз тўрт овсин қайнона эмас, ўз онамиздек кўраимиз. Чунки ҳаммамизни ўз фарзандларидек қабул қилиб, жуда меҳрибон, ширинсўз бўлганлар. Албатта ўқиб билан бўлиб баъзи юмшларга улгуролмай қолардик. Шунда ҳеч қачон қоймасдилар. Жуда юмшоқлик билан, босиқлик билан яхши гапириб ёрдам бериб келганлар. Айтсам кўпчилик ишонмасди. Ўқиб юрган келарим, дугоналаримни шу ўйга бошлаб келиб, дарс тайёрлардик. Шу қайнонам бизга оват, чой тайёрлаб кутардилар. Халигача дугоналарим эслаб, ҳавас қилиб юришди. Билмаган нарсаларимизни шу ойжонимиздан ўрганиб олдик. Ойжонимиздан бир умр миннатдоримиз. Овсинлар ҳам бир-биримиз билан опа-сингилдекмиз. Ҳаммаси шу азиз онамиз тўғрисида. Мана ҳозир уч овсин оилалардан ибрат олиб, биз ҳам қайнона бўлиб ўтиришимиз. Ҳаммамизга бош-қош, меҳрлари бекиёс онахонимиз бизнинг бахтимиз, бойлигимиз. Тилагимиз доимо соғ бўлсинлар, умрлари узок бўлсин.

Ха, онахоннинг бири-биридан гўзал, қувноқ, оққунгил келинларининг бир-бирларига билдираётган илк ва самимий фикрларини эшитиб, биз ҳам ая айтганларидек чин юракдан бу меҳр-оқибатли оилага ҳавас қилдик.

Фаридахон аяни маҳаллада ҳам кўпчилик ҳурмат-иззат қилади. Онахон кўп йиллар шаҳар онкология касалхонасида рентген лабораториясида вазифасида ишлабди, шунингдек, Маннон Уйғур номи маҳалла хотин-қизлар кенгашига раислик қилиб, маҳалладошларининг дардига малҳам бўлиб келганлар. Давлатимиз томонидан Фаридахон аянинг хизматлари муносиб баҳолиниб, Мустақиллик байрамида «Шўҳрат» медали билан тақдирландилар.

Инсон ширин ва гўзал фазилатлари билан меҳраб мўъсас бўлади. Меҳр илдиш отган жой — иззату ҳурмат масканидир. Ана шундай меҳр-муҳаббат, садоқат илдиш отган хонадон ва унинг фаршхалли соҳибаси Фаридахон ая ва у кишининг келинлари билан хайр-лашаркамиз, кўнглимиздан ажиб туйғулар кечди. Ҳаммамизга мана шундай ўғил-қизлар, набир-эварлар ардоғида, эъзозидан ҳаёт лаззатларини сўриш насиб этишини чин дилдан ниёт қилиб қайтдик.

Суҳбатдош  
Дилором ИКРОМОВА.  
СУРАТДА: Фаридахон ая келинлари даврасида.  
Бахтиёр Акрам олган сурат.

## Тадбирлар — «ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ — 2000»

Яқинда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалари иштирокида республикамиз тарихида илк маротаба «Талаблик баҳори — 2000» ширин остида маънавий-маърифий-иҷтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбир ўтказилди.


— Ушбу тадбир талабаларнинг маънавий баркамол, соғлом бўлишлари, талаблик ички оламнинг бутун борлиги бўйича намоян бўлиши, раҳбариятга бўлган ишончнинг орттириш учун эркинлаштириш сўбатига ташкил этилган, — дейди институт ёшлар «Камолот» жағмаси жамоатчилик маркази раиси Х. Маъруфонов биз билан суҳбатда. — Институт талабалари қалбини яхши англаган даволаш факультети магистратураси талабаси Рўзқул Фозилбеков ташаббуси сабаб ушбу тадбир ўтказилди.

Зилмоқда. Ва бу талабалар ўртасида жуда самимий меҳр, ишонч пайдо бўлганини билдириб турибди.

Беш кун мобайнида бўлиб ўтган «Талаблик баҳори — 2000» тадбирида дастлаб даволаш факультети талабалари тайёрлаган байрам дастури ва югуриш бўйича мусобақалар, тиш даволаш факультетининг волейбол ва баскетбол бўйича саралаш ўйинлари, талабалар илмий жамиятининг йиғилиши, шунингдек, тиббий педагогика факультетининг волейбол, баскетбол бўйича финал

ўйинлари, иш жойлари ярмаркаси, «Тошқинлоқмаш» маданият саройида ўтган қувноқлар ва зукколар кўрик-танлови ва ниҳоят «Сирли совға» катта байрам дастури бўлиб ўтди. Ушбу ўзига хос тадбирнинг муҳим аҳамияти шундаки, голиблар учун таъсис этилган совғалар анча санолатли, яъни 50 та стипендия микдоридаги пул мукофотлари, 30 та «Шифокор» оромгоҳига бепул йўлланма ҳамда май ойи ўрталарига режалаштирилган қадим Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига уч кунлик саёҳат голиб талабаларга насиб этди. Бундан ташқари мусобақаларда муваффақиятли қатнашганлар ёрликлар, кубоклар, талабалар илмий қўшувчи қўшимча тиббиёт оид хорижий энг сара китоблар билан тақдирландилар.

Феруза ЗУФАРОВА.



ШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 Марказий газеталар шарҳи.  
8.50 «Муқаддас бўстон». Телеальманах.  
9.10 «Хидоят сари».  
9.35 Телевизион миниатюралар тасдиқи.  
10.00 «Соғлом авлод йилига». «Оналар мактаби».  
10.30 «Уч». Бадий фильм. 1-қисм.  
11.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистоним». Публицистик кўрсатув.  
12.05 «Шу кунлар шиддат».  
12.25 «Орзулар қанотидан».

12.45 «Уч». Бадий фильм. 2-қисм.  
13.50 «Тўхта». Мусикий дастур.  
14.15 «Спорт, спорт, спорт». Телеальманах.  
14.45 «Дўстлик» видеоанали: 1. Меҳрабиз 2. Жетинг.  
15.05 Ф. Мусажонов. «Наҳот ис-таб». Ҳамма номиди Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.  
16.50 «Ўзбекистон — Ватаним ма-ним». Республика кўшиқ байрами кўрик танлови. Тошкент вилояти.  
17.20 «Умр мазмуни». Бадий-публицистик кўрсатув.  
17.40 «Миттиёлар оиласи». Кино-кўрсатув.  
17.50 «Шарқнинг машҳур аёллари».  
18.25 «Динозаврлар билан сайр». Телевизионларини яратилиши.  
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлон-лар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаскилар.  
20.15 «Ўзбекистон аниқликлари» (и-глиз тилида).  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Соғлом авлод — бу бизнинг келажикимиз».  
21.15 «Сизга ўхшаган келадим». С. Мўминов.  
22.05 «Универсиада-2000» кунда-лиги.

«Тўғри ёғди». Дам олиш дастури.  
22.15 Ҳафтанинг биринчи мар-таба «Ҳафтанинг биринчи мар-таба».  
00.15 «Ахборот».  
00.45 «Олам футбол».  
1.15-1.20 Ватан тимиоллари.  
«Ёшлар» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Дарв тўғи».  
9.00 Кўрсатувлар дастури.  
9.05 «Янги авлод». «Келин, тани-шайлик». «Мушкетерлар».  
9.40 «Боланим — жигарбандим».  
9.55 «Ёшлик навоилари».  
10.05 «Рақурс».  
10.25 «Ёшлар» телеаналида: «Ринг-кўрсатув».  
11.25 Оллоҳшўқур Қурбонзаиров кўйлади.  
11.45 «Маҳалла дув-дув гап». А. Аббасовнинг муаллифлик кўрсатуви.  
12.25 «Ургини ушла». Телевизион.  
13.10 Танишнинг «Аббос» гуруҳи.  
13.30 «Эркин филм».  
14.00 «Мени тушу» Телевизион.  
14.30 Болалар учун мультфильм.  
«Денгиз итлари». 9-қисм.  
15.20 «Тарона-2000» тақдироти.  
15.40 «Ёшлар» телеанали бисоти-дан. «Политика комиссияси».  
16.15 «Саломатлик сирлари».  
16.35 «Ёшлар» телеаналида спорт: теннис.  
17.35 Кўрсатувлар дастури.  
17.40 «Янги авлод». «Катта танаф-фуз».  
18.15 «Мусикий лаҳзалар».  
18.20 «Бол тилидан».  
18.50 «Мусикий лаҳзалар».  
19.00 «Дарв» Ахборот дастури.  
19.30 «ТВ — анос».  
19.35 «Хайр, мактаб».  
19.45 «Бизнес-академия».  
20.00, 20.30, 21.10 Ўзлонлар.  
20.05 «Ургини ушла». Телевизион.  
20.55 «Хайрат».  
21.15 Танишнинг: Муродбек Қиличев.  
21.30 «Қўлланма мехмон».  
21.50 «Мусикий лаҳзалар».  
21.55 «Катта».  
22.00 «Дарв» Ахборот дастури.  
22.30 «Мусикий лаҳзалар».  
22.40 «Қўнғил қўнғилга пайанд».  
23.15 Шанба экран. «О, бу муҳаб-бат».  
00.40 Мусикий дастур.  
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.50 «Соғлом бўлай десангиз».  
9.00 «Тонгги пойтахт».  
9.50 «Билиб қўйган яхши».  
10.00 «Аёл — она, мурабий, раҳ-бар» клуби.  
10.20 ТПВД сериал: «Машҳур ва ба-давлат одамлар».  
11.05 Телегазета «Экспресс».  
11.30 Бир қўшиқ тарихи. «Догман».  
12.00 Киноноҳ. «Меҳрибонгинам».  
1-қисм.  
13.15-14.00 «Дўстлик» видеоана-ли: «Сажий хонадонда», «Нисен».  
17.25 Кўрсатувлар дастури.  
17.30 «Эхтиром ила».  
18.00 Мультфильм.  
18.15 «Мисли гавҳар».  
18.30 «Пойтахт». Ҳафтаник шарҳ (рус тилида).  
18.50, 19.55 «Табриқайимиз, кут-лайим».  
19.30 Телегазета «Экспресс».  
20.30 «Силангил маршан».  
20.50 Мусикий таанфус.  
21.00 «Пойтахт». Ҳафтаник шарҳ.  
21.20 Телегазета «Экспресс».  
21.45 ТПВД сериал: «Шаҳарлик фа-ришта». 9, 10-қисмлар.  
23.05 Оханлар ва эълонлар.  
23.10 Киноноҳ. «Салом, хонангиз-ман».  
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАКАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «Ахборот» телеаналида:  
9.25 «Кино сайраш».  
9.45 «Инглиз тили Сиз учун».  
10.10 «Дурдаришан».  
10.30 «СНН-шоу».  
11.05 «Ташриф».  
11.45 «Биргилликда қўлайимиз».  
11.50 Киномагистрат. «Уйда ёлғиз ўзи». Бадий фильм.  
13.05-13.35 Немис тили.  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Бинафша».  
17.50 «Британия қўнғилиги».  
18.05 «Ноилж қариндошлар». Ки-нокомедия.  
20.00 «Время».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.50 «Соғлом бўлай десангиз».  
9.00 «Тонгги пойтахт».  
9.45 «Билиб қўйган яхши» (такрор).  
9.55 «Дилором навоилари».  
10.20 «Хўсусийлаштириш: қадим-бақадим».  
10.40 «Кинони севасимиз».  
11.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».  
11.30 «Мусикий меҳмонхона».  
11.55 Телегазета «Экспресс».  
12.20-13.30 Киноноҳ. «Меҳри-бонгинам». 2-қисм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 Кўрсатувлар дастури.  
17.30 «Эхтиром ила».  
18.10 «Аёл — она, мурабий, раҳ-бар» клуби.  
18.30 «Пойтахт». Ҳафтаник шарҳ.  
18.50, 19.55 «Табриқайимиз, кут-лайим».  
19.30 Телегазета «Экспресс».  
20.30 «Тасанно». Авторево.  
21.00 «Пойтахт». Ҳафтаник шарҳ.  
21.20 Телегазета «Экспресс».  
21.45 ТПВД сериал: «Шаҳарлик фа-ришта». 11, 12-қисмлар.  
23.10 Киноноҳ. «Гремлинлар-2».  
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАКАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «Тонг» дастури.  
10.05 «Эрталабнинг сирли олами».  
11.45 «Парне ва франсоз».  
12.10 «Ўзбекистон аниқликлари» (и-глиз тилида).  
12.20 «Болалар олами».  
12.50 «Ватан-тайм» (болалар учун и-глиз тили).  
13.00 Киномагистрат. «Уйда ёлғиз ўзи-и». Бадий фильм.  
15.00-16.05 «Дўстлик» видеоана-ли: «Маври», «Дўдар», «Машриқ охонлари».  
17.25 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Тенгдошлар».  
17.25 Е. Петросининг «Қўлги па-норамаси».  
18.00 «Дил изхори».  
18.35 «Интернет худуди».  
18.50 «Лёва» гуруҳининг 10 йил-лик юбилеи.  
20.35 «Тасвир-2000». Қанндаги «Қўнғил ширлар» реклама ролик-лари фестивали.  
20.50 «Дил изхори».  
21.25 «Нафакат спорт ҳақиди».  
21.45 «Бўстон» гуруҳи.  
22.15 Киномагистрат. «Мумий».  
Миср шавҳодиси. Бадий фильм.  
00.10 «Ташхилнома» (рус тилида)  
00.40 «Тўғизга оид бўлсин!»

«Аср мўъжизаси» кинодастури:

## «02» ҚИҲИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

◆ Юнусобод туманидаги деҳқон бозори ёнида жойлашган автоуловлар тўхташ жойида 1973 йилда туғилган, ишлайдиган, муқаддам судланган, маргилонлик В.Ша-рафидинов 10 АИ 138 рақамли автомашинанинг орқа чап томон эшигининг кичик ойнасини қўли билан уриб синди-риб, оянаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходими Х.Соатов томонидан ушланди. Бироқ талончи Соатовдан қўлулган деб ўйлаб, унга тан жаро-ҳати етказишга ҳаракат қилди қочиб кетолмасдан тўғри милиция ходимларининг қўлига тушди. Вазирлик ходими эса тан жароҳати олсада, жиянотчини ушлаб қолгани учун икки ишлар ҳодимларидан ташаққурмона эшитди.

◆ Ҳамза туманида яшовчи 1978 йилда туғилган, ҳеч қаврда ишламайдиган Н.Далилов ҳамда унинг тенгдоши — шу туманда яшовчи С.Комиллов Янгибод улғурчи бозори олдига турган И.Гельманга тегишли бўлган «Дамас» русумли автомобилдан 15000 сумлик ахтиёт ёлдирагини ўғирлашга уринаётган вақтда Икки ишлар ҳодимлари то-монидан ушландилар.

◆ Сергели туманида Галабанинг 40 йиллиги даҳрасида яшовчи Н.Обиджонов Дўстлик даҳраси, 6-уйнинг эгасиз қолган 9-хонадонда яшаб туриб, ушбу хонадонни со-тиш ҳуқуқига эга бўлмагани ҳолда 1950 йилда туғилган Г.Эберта 1000 АҚШ долларига сотиб, ушбу хонадонни ҳужжатлаштириб бераман деб, алдаб қочиб кетганлиги учун ушланди. Қиғир ишнинг қиғир қиғи йилдан кей-ин ҳам очилади, деганлари шу бўлса керак.

Ботир ЖАМОЛОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот  
маркази инспектори, милиция лейтенанти.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент Универмаги» — супермаркет  
ОАСЧЖ ўз акциядорларига шуни  
таъкидлади, 1999 йил учун  
тўланадиган дивиденд микдори  
имтиёзли акциялар учун акция  
қийматининг